Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 53 (20. 920) 1991 йил 16 март, шанба ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

17 март, якшанба—СССР референдуми куни

ҲАММА—УМУМХАЛҚ ОВОЗ БЕРИШИГА!

БУЮК ИТТИФОҚ ДАВЛАТИМИЗНИ САҚЛАБ ҚОЛАЙЛИК

М. С. Горбачевнинг телевидение орқали 15 март куни сўзлаган нутқи

Ниҳоят, биз Бутуниттифоқ референдуми арафасида турибмиз. Бу воқеа Ватанимиз тарихида биринчи бор рўй беряпти. Ҳар биримиз референдумда қатнашар эканмиз, у кўпмиллатли давлатимизнинг бугунги ва эртанги кунига дахлдор бўлган бош масалани ҳал этишини тўла-тўкис англаб олишимиз керак. Гап мамлакатнинг тақдири ҳақида, Ватанимизнинг тақдири тўғрисида, умумий хонадонимиз ҳақида, сиз билан биз, фарзандларимиз ва набираларимиз қандай яшашлари тўғрисида бормоқда.

Бу масала шундай миқёсда ва шундай аҳамиятга моликдирки, у айрим партияларнинг, ижтимоий гуруҳларнинг, сиёсий ва ижтимоий ҳаракатларнинг манфаатларидан юқори туради. Бу масалани фақат халқнинг ўзи ҳал қилишга ҳақлидир. Азиз ватандошлар, ҳаммаларингизни Умумиттифоқ референдумида қатнашишга ва қўйилган саволга «Ҳа» деб жавоб қайтаришга чақираман.

Бизнинг «Ҳа» дейишимиз давлатнинг яхлитлигини сақлаб қолади, минг йиллик тарихга эга бўлган бу давлатни кўпдан-кўп авлодлар ўз меҳнати ва ақл-заковати билан, қанчадан-қанча машаққатлар билан барпо этган. Бу давлатда халқларнинг тақдири ҳам, миллион-миллион кишиларнинг тақдирлари ҳам, сиз билан бизнинг тақдиримиз ҳам чамбарчас пайваста бўлиб кетган.

Бизнинг «Ҳа» дейишимиз — ўзида бирлашган халқларнинг мустақиллиги ва хавфсизлигини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга қодир эканини неча марталаб исботлаган давлатга ҳурмат демакдир.

Бизнинг «Ҳа» дейишимиз — не-не синовлардан омон ўтган мамлакатимизни уруш алангаси ҳеч қачон куйдирмаслигининг кафолатидир.

Бизнинг «Ҳа» дейишимиз — марказнинг зўравонлиги ва республикаларнинг ҳуқуқсизлиги ҳукм сурган эски тартибларни сақлаб қолиш эмас. Референдумнинг ижобий якунлари Иттифоқ давлатини тубдан янгилаш, уни барча миллатлар фуқароларининг ҳуқуқлари ва эркинликларига пухта кафолат бериладиган мустақил республикаларнинг Федерациясига айлантириш йўлини очади.

Бизнинг референдумда «Ҳа» дейишимиз ва Иттифоқ шартномасининг тузилиши жамиятимизда рўй бераётган бузғунчилик жараёнига чек қўйиш, нормал турмуш ва иш шароитларини тиклаш сари қатъият билан бурилиш имконини беради.

Англашимча, халққа айни шу нарса керак, одамларимиз айни шуни ҳамма нарсадан кўра кўпроқ хоҳламоқдалар. Чексиз гапсўзлар ва эҳтиросларнинг кучайтирилиши уларнинг меъдасига тегди. Улар ҳам ишлаб чиқариш соҳасидаги, ҳам истеъмол бозори, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот, давлат идораларининг фаолияти соҳасидаги амалий масалалар ҳал этилишини талаб қилмоқдалар. Хуллас, одамлар турмуш нормал изга солинишини истайдилар.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқчиманки, референдумнинг муваффақияти мамлакатда бошланган ва биз ўз режаларимизни, уларнинг рўёбга чиқарилишини умид қилаётган ҳамма ислоҳотлар дадил давом эттирилиши учун янги имкониятлар очиб беради.

Яна бир гап, ўртоқлар. Жамиятда тотувлик ва ҳамкорлик бўлмаса, олдимизда турган вазифаларни ҳал қилиш қийин. Эҳтимолки, умуман иложсиздир. Шу сабабли, вақт ғаниматида муросасизлик, дарғазабликни, айрим жойларда эса душманлик назари билан қарашни ҳам тўхтатиш лозим. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқарган тақдирдагина бунинг ҳам уддасидан чиқамиз. Референдумнинг ижобий якуни жамиятни жипслаштиришнинг бошланиши бўлур эди.

Менинг қатъий ишончим шундан иборатки, башарти жамиятда чуқур нифоқ чиқса, ғолиблар бўлмайди. Ҳамма зарар кўради. Биз ҳаммамиз бой берамиз. Мамлакатнинг парчаланиши, одамлар ва халқларнинг бир-бирига қарама-қарши қўйилиши қанчаданқанча кулфатлар ва бахтсизликлар келтириб чиқаришини ҳатто тасаввур этиш ҳам қийин. Бу нарса фақат сиз билан бизнинг кулфатимиз бўлмайди. Ҳозирги дунёнинг ишонган тоғларидан бири бўлган давлатнинг барбод бўлиши, таъбир жоиз бўлса, беқиёс миқёслардаги ялпи ларзага олиб бориши мумкин.

Бўлажак референдум муносабати билан мен кўплаб хат олдим. Улар бир неча мингга боради. Липецкдаги митинг қатнашчилари ҳам менга хат йўллаб, унда Ярослав Мудрийнинг: «Агар нафратланиб, можаролар ва жанжаллар гирдобида яшасангиз, ўзингиз ҳалок бўласиз, ота ва боболар ўзларининг зўр меҳнатлари билан барпо этган элни ҳам ҳалок қиласиз. Аммо оға-ини бир-бирингизга қулоқ солиб осойишта яшанглар», деган сўзларини эслатдилар. Бу — ҳақиқатан ҳам доно инсон ва ватанпарварнинг маслаҳатидир.

Хуллас, ҳар биримиз ҳозир тарихий маррада турибмиз. Сизлар ҳозиргача обдон ўйлаб, кўп нарсаларни чамалаб, ўз дўстларингиз билан, ўз оилаларингизда кўп нарсаларни муҳокама қилгансизлар. Эҳтимол — бир қарорга ҳам келгансизлар, буни тушуниб турибман. Шундай бўлсада, азиз ватандошлар, сизларнинг ҳаммангизга мурожаат этаман: референдумда буюк Иттифоқ давлатимизга қатъий қилиб «Ҳа» денглар, ўзингиз учун ва ўз авлодларингиз учун уни сақлаб қолинглар.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг тўртинчи бригадаси бошлиғи Ҳамидулла Ибрагимовни ҳамма танийди. Бонси, кўп йиллар мобайнида хўжалик партия ташкилоти котиби вазифасида ишлаган давридаёқ у одамлар қалбига йўл топа олган.

Мамлакатимиз тақдири учун айни масъулиятли кунларда ҳам у, кенгашлиг тўй тарқамас, нақлига амал қилиб иш кўряпти.

СУРАТДА: Ҳамидулла Ибрагимов бригада аъзолари билан маслаҳатлашяпти.

В. МОЛГАЧЕВ туширган сурат.

(СССР референдумига бағишланган материалларни иккинчи саҳифада ўқийсиз).

Ўзбекистон—Қирғизистон

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов бошлиқ жумҳурият давлат делегацияси яқинда қўшни Қирғизистон Республикаси диёрига ташриф буюрди. Бу ерда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида дўстлик ҳамда ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди. У Ўзбекистон билан Қирғизистоннинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Декларацияларига асосланиб тузилди. Мазкур ҳужжат иккала халқ тарихида уларнинг бундан буёнги тараққиётини белгиловчи дастлабки ва ғоят муҳим ҳужжатдир. У ҳар иккала жумҳурият халқларига муносиб турмушни таъминлашдан иборат асосий мақсадга қаратилган. Ушбу шартнома билан зиддиятлар ва миллатчилик кўринишлари учун қандайдир даражада замин яратган ҳамма нарсага узил-кесил чек қўйилди. Шу тариқа қардош ўзбек ва қирғиз халқлари ўзаро муносабатларининг неча минг йиллик тарихида янги саҳифа очилди.

Мана бу сурат Бишкек шаҳридаги «Манас» тайёрагоҳида олинган. Унда кутиб олиш чоғи тасвирланган.

Суратда: Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов билан Қирғизистон Республикаси Президенти А. А. Акаев.

КирТАГ — ЎзТАГ суратчи.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА

ШАРТНОМА

Қуйида олий аҳдлашувчи томонлар деб аталувчи Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Қирғизистон Республикаси:

— Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Декларацияга ва Қирғизистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Декларацияга асосланиб;

— ўзбек халқи билан қирғиз халқининг тарихий тақдири яқинлигини назарда тутиб, давлатлараро ҳамкорликнинг барча соҳаларида ўзаро муносабатларнинг эришилган даражасини ва бу ўзаро муносабатларга янги омил бахш этиш зарурлигини эътиборга олиб;

— дўстлик ва тотувликда яшашга интилиб;

— мустақил давлатларнинг янгиланган Иттифоқни ихтиёрийлик асосида барпо этишга ва ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш муддаосига амал қилиб;

— ўз муносабатларини давлат мустақиллигини ўзаро эътироф этиш ва ҳурмат қилиш, ўз тақдирини ўзи белгилашдан иборат дахлсиз ҳуқуқ, тенг ҳуқуқлилик ва ички ишларга аралашмаслик принциплари, чегараларнинг яхлитлиги ва бузилмаслиги, куч ишлатишдан, иқтисодий ва бошқа усулдаги тазйиқдан воз кечиш, баҳсли муаммоларни муросага келтирувчи воситалар ёрдамида тартибга солиш, халқаро ҳуқуқнинг ҳамма томонидан қабул қилинган бошқа принциплари ва нормалари асосида ривожлантиришни кўзлаб;

— бундан буён ҳам томонлар ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириб ва мустаҳкамлаб бориш ҳар иккала давлат халқларининг туб миллий манфаатларига мос бўлиб тушишига ҳамда тинчлик ва хавфсизлик ишига хизмат қилишига қатъий ишониб;

— инсон ҳуқуқлари соҳасида умум эътироф этган халқаро нормаларга риоя қилиш мажбуриятини зиммага олиб, қуйидаги битимга келдилар:

1-модда.

Олий аҳдлашувчи томонлар бир-бирларини янгиланган Иттифоқ (Федерация) таркибидаги мустақил давлат деб эътироф қиладилар ҳамда бир-бирининг давлат мустақиллигига зиён етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларни қилмаслик мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

2-модда.

Олий аҳдлашувчи томонларнинг ҳар бири ўз ҳудудида яшаб турган бошқа аҳдлашувчи томон фуқароларининг, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг миллати, дини ёки бошқа тафовутларидан қатъи назар, уларнинг инсоний, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини инсон ҳуқуқлари бўйича умум эътироф этган халқаро нормаларга мувофиқ кафолатлайди.

(Давоми иккинчи бетда).

Андижон вилояти ташкил этилганлигига 50 йил тўлди

Андижон! Бу сўз айтилганда кўз ўнгимизда оппоқ, бағри кенг пахтазорлар, сўлим, муаттар боғлар, ҳайқирган дарёлар, ўмровли тоғлар, қайнар нефть булоқлари, шарбати томиб турадиган анвойи мевалар, йирик саноат масканлари гавдаланади. Андижон деганда, ана шу ҳисобсиз бойликлар, гўзалликлар эгаси ва ижодкори танти, мард кишиларни, ишчан омилкор деҳқонларни, забардаст ишчилар синфини, доврўқли илму санъат аҳлини тасаввур этамиз. Ўтмишда Бобур, Ноднрабегимдек шоир ва шоирлар, зукко илм аҳлларини етиштирган Андижон Совет ҳокимияти йилларида юксалди, равнақ топди.

Андижон жумҳуриятимиз вилоятларининг ҳулкар даврасида йирик юлдуз бўлиб чақнаб турибди. Чунки вилоятнинг она-Ватанга армуғон этадиган «оқ олтини» ўзбек пахтасининг салмоғини ташкил этади. Андижон дизеллари дунёга машҳур. Унинг бағрида «қора олтин», «заангори олов» бурғулари ўрмонини кўрасиз. Андижонининг донгдор, қаҳрамон пахтакорлари номини ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Хўжаободнинг соя-салқин боғлари, Андижон сув омборининг мавжлари, Марҳамат чаманлари, Избоскан, Олтиниўлининг ноз-неъматлари Андижоннинг ҳуснига ҳуси, шанига шан бағишлайди.

Ўз сўзида устивор, халқ ишига садоқатли, меҳнаткаш ва фидокор Андижон аҳли, унинг мард йигитлари, соҳибжамол қизлари, доно кексалари бугун башанг кийиниб улкан шодиёнага келадилар.

Рўзномамизда бугун чоп этилган саҳифа Андижон вилоятнинг 50 йиллигига бағишланган.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА

ШАРТНОМА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Томонларнинг бирида истиқомат қилиб турган шахсларнинг бошқа томон фуқаролигини олиши тўғрисидаги масалалар томонларнинг фуқаролик тўғрисидаги қонунларига биноан тегишли шартнома билан тартибга солинади.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш воситаси махсус битимлар билан тартибга солинади.

3-модда.
Олий аҳдлашувчи томонлар Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ҳудудий яхлитлигини ва Қирғизистон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини, улар ўртасида СССР доирасида таркиб топган давлат чегараларини эътироф этадилар ва ҳурмат қиладилар ҳамда уларнинг дахлсизлигига қатъий риоя этиш мажбуриятини зиммаларига оладилар.

Олий аҳдлашувчи томонлар миллий худбинлик ва миллий муросасизликнинг ҳар қандай кўринишларини қоралайдилар, миллатлараро муносабатларда ҳаддан ошишнинг олдини олиш ва уни таг-туги билан йўқ қилиш учун кескин чоралар кўриш ҳамда миллатлараро можароларга йўл қўймаслик мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

Томонлар миллатлараро муносабатларда юзага келадиган иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа муаммоларнинг фақат сиёсий воситалар билан ҳал этилишини кафолатлайдилар.

4-модда.
Олий аҳдлашувчи томонлар Қирғизистон Республикасида яшовчи ўзбекларнинг, бошқа миллатлар вакилларининг ва Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасида яшовчи қирғизларнинг, бошқа миллатлар вакилларининг сиёсий ҳуқуқларини ҳамда ҳар томонлама ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш имкониятларини кафолатлайдилар.

Олий аҳдлашувчи томонлар Қирғизистон Республикаси ҳудудида ўзбек халқининг ва Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ҳудудида қирғиз халқининг тили, тарихий бойликлари ва маданият ёдгорликлари муҳофаза ва эҳтиёт қилинишини кафолатлайдилар.

Олий аҳдлашувчи томонлар ўз ҳудудларида яшовчи миллий гуруҳларнинг этник, маданий, тил ва диний ўзга хослиги ривожланиши ва сақланиб қолишига кўмаклашадилар. давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларида, маҳаллий ўз ўзини бошқарувда шу миллий гуруҳларнинг вакиллари бўлишини таъминлайдилар.

5-модда.
Олий аҳдлашувчи томонлар ўз халқлари ва давлатларининг сиёсат, иқтисодиёт, маданият, соғлиқни сақлаш, экология, фан, техника, савдо, гуманитар ва бошқа соҳаларда тенг ҳуқуқлилик асосида ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантирадилар, кенг миқёсда ахборот айирбошлаб турилишига кўмаклашадилар, ўзаро мажбуриятларга виждонан ва сўзсиз риоя этадилар.

Томонлар юқорида кўрсатилган соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисида тегишли битимлар тузиш зарур, деб ҳисоблайдилар.

6-модда.
Олий аҳдлашувчи томонларнинг ҳар бири бошқа томоннинг ўз ҳудудида мулкчилик турлари ва шаклларини мустақил белгилаш, мулкий муносабатларни тартибга солиш ҳуқуқини эътироф этадилар.

Бир томоннинг бошқа томон ҳудудида жойлашган давлат мулкининг, юридик шахслари ва фуқаролари мулкининг ҳуқуқий режими тегишли битимлар билан тартибга солинади.

7-модда.
Олий аҳдлашувчи томонлар тенг ҳуқуқлилик асосида, шу жумладан, умумий мувофиқлаштирувчи институтлар орқали амалга ошириладиган ўз ҳамкорликлари доирасига:

— инсонни муҳофаза қилиш масалалари;

— ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий фаолиятда баҳамжиҳат ҳаракат қилиш;

— умумий бозорнинг шаклланиши ва ривожланишида, бож сиёсати соҳасида ҳамкорлик қилиш;

— энергетика, транспорт, информатика ва алоқа системаларини, шу жумладан Ер йўлдошлари орқали алоқалар ва телекоммуникацияларни бошқариш;

— ўз ҳудудларида атроф-муҳитни муҳофаза этиш соҳасида ҳамкорлик қилиш; кенг қамровли экология хавфсизлиги системасини вужудга келтиришда иштирок этиш, фавқулодда вазиятларда ўзаро ёрдам кўрсатиш;

— Оролнинг экология системасини тиклаш ва Оролбўйида яшовчи аҳолининг турмуш шароитларини яхшилашда иқтисодий, ташкилий-техникавий ва ўзга йўсинда ҳамкорлик қилиш;

— миграция сиёсати масалалари;

— жиноятчиликка қарши кураш масалалари киришини эътироф этадилар.

Олий аҳдлашувчи томонлар ана шу ва томонларнинг бошқа муштарак манфаатларини рўёбга чиқарувчи умумий мувофиқлаштирувчи институтлар, давлатлараро шартномалар ва ҳукуматлараро битимлар асосида ташкил этилиши мумкинлиги тўғрисида келишиб олдилар.

8-модда.
Олий аҳдлашувчи томонларнинг иқтисодий муносабатлари энг мақбул имкониятлар яратиб берувчи битимлар орқали тартибга солинади. Томонлар:

— давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари;

— маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари;

— банклар ва молия системаси;

— мулкчиликнинг ҳар қандай шаклига асосланган, шу жумладан, биргаликдаги корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва муассасалар;

— якка тартибда иш кўрувчи тадбиркорлар даражасида иқтисодий ва савдо-сотиқ муносабатларининг, фан ва техникага оид муносабатларнинг ривожланишини таъминлайдилар.

Томонлар хўжаликлараро муносабатлар, яйловлардан узоқ муддат фойдаланиш, сувдан ва табиат ресурсларидан биргаликда фойдаланиш, савдо-сотиқ, барча турдаги алоқа ҳамда ташишга оид конкрет механизмлар, шунингдек, иқтисодий ва ахборотлар айирбошлашга доир ҳамкорлик масалалари ҳукуматлараро битимлар орқали тартибга солиниши хусусида келишиб олдилар. Томонлар бир-бирларига зиён етказиши мумкин бўлган издан чиқарувчи иқтисодий чоралар қўлламайдилар.

9-модда.
Олий аҳдлашувчи томонлар ўзаро маҳсулотлар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш, тўловлар, нарх-наволар ҳамда қийматли қоғозлар муомаласи тўғрисида, шунингдек, жаҳондаги нарх-наволар даражасига мослаша борган ҳолда ўзаро ҳисоб-китобларга ўтиш муддатлари ҳақида ҳукуматлараро битимлар тузадилар. Бу ҳали битимларнинг тугал рўйхати эмас.

10-модда.
Олий аҳдлашувчи томонлар ўз ҳудудларидаги ҳаво портлари, темир йўллар ва автомобиль йўллари шаҳобчалари ҳамда магистраль қувурлар орқали транзит транспорт ҳаракатини таъминлайдилар.

Транзит транспорт ҳаракатини таъминлашнинг шартлари ва тартиби томонларнинг махсус битимлари билан белгиланади.

11-модда.
Ушбу шартнома нормаларини шарҳлаш ва изоҳлашга доир баҳслар музокаралар йўли билан ҳал этилиши лозим.

12-модда.
Ушбу шартнома олий аҳдлашувчи томонларнинг учинчи давлатларга нисбатан олган мажбуриятларига ва улар билан шартномалар тузиш ҳуқуқига дахл қилмайди. Ушбу шартнома учинчи томонларга қарши қаратилмаган.

13-модда.
Олий аҳдлашувчи томонлар Олий Кенгашларининг делегациялари, шунингдек, Президентларнинг шахсий вакиллари даражасида ушбу шартноманинг ижросига доир масалалар бўйича мунтазам равишда икки томонлама машваратлар ва музокаралар ўтказиб турадилар.

14-модда.
Олий аҳдлашувчи томонларнинг ҳар бири ушбу шартнома ёки унинг айрим моддалари амал қилишда давом этишининг қанчалик мақсадга мувофиқлиги тўғрисида машваратлар доирасида музокаралар ўтказиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Олий аҳдлашувчи томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ушбу шартноманинг қоидаларига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

15-модда.
Ушбу шартнома ратификация қилиниши лозим. Ратификация ёрлиқлари Тошкент шаҳрида айирбош қилинади.

Ушбу шартнома ратификация ёрлиқлари айирбош қилинган куни кучга киради.

16-модда.
Ушбу шартнома ўн йил муддатга тузилади. Башарти, томонлардан ҳеч бири шартномани бекор қилиш истагини шартнома муддати тугашидан камида олти ой олдин ёзма равишда баён этмаса, шартноманинг амал қилиш муддати кейинги ўн йиллик муддатга узайтирилади.

1991 йил 14 март куни Ўш шаҳрида икки нусхада ҳар бири ўзбек, қирғиз ва рус тилларида тузилди. Ҳар уччала матн бир хил кучга эгадир.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси номидан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Қирғизистон Республикаси номидан Қирғизистон Республикасининг Президенти
А. АҚАЕВ.

17 март, якшанба – СССР референдуми куни

БИРЛАШГАН КУЧ ЕНГИЛМАС

МУСТАҚИЛ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ, ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИГИ, ЯГОНА ИТТИФОҚНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ — ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ЖУШҚИН ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ГАРОВИ ЭКАНЛИГИГА ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТЛАРИНИНГ ИШОНЧИ КОМИЛДИР.

(Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Мурожаатидан).

КЕЛАЖАКНИ БЕЛГИЛАШ ЙЎЛИ

Ўз номимдан ва кўпгина бинокор дўстларим номидан ишонч билан айтишим мумкинки, истиқболда мустақил, янгиланган республикалар Иттифоқининг сақлаб қолиниши тарафдоримиз. Тўғри, ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий вазият ўта оғир, умумий хонадонимиздаги муаммолар бисёр. Уни биргалашиб, ҳамжиҳатлик билан ҳал қилсаккина олға қараб силжишимиз мумкин. Агар Иттифоқ давлатининг парчаланишига йўл қўйсак, муаммоларимиз, қийинчиликларимиз ортса ортадики, лекин камаймайди.

Биргина жумҳуриятимиз иқтисодиётини олиб кўрайлик. Бугунги халқ хўжалигимиз минг хил йўллар билан Иттифоқ корхоналарига боғланиб қолган. Ҳом ашё масаласида ҳам худди шу аҳвол. Масалан, биз қурувчилар учун хом ашё ва материаллар тақчиллиги жиддий сезиляпти. Натижада баъзи ҳолларда ишсиз, бекор туриб қоляпмиз. Ўзингизга маълум, қурилиш учун энг керак маҳсулот — ёғоч-тахта материаллари Россиядан келтирилади. Шундай экан, менимча жумҳуриятлар бирлиги, ўзаро фойдали асослардаги шартномалар бирлиги бўлиши лозим.

Очиғи, референдум натижаларига мен катта ишонч боғлаяпман. Нега? Биринчидан, жаҳон тарихидан маълумки, ягона кучли давлатнинг бўлиниб кетиши ҳеч қачон яхшиликка, тинчликка ва миллатларнинг тотувлигига олиб келмаган. Иккинчидан, фақат Иттифоқни сақлаб қолсакгина халқаро ҳамжамият олдида мамлакатимизнинг улуғворлиги, обрўси қайтадан тикланади, унда яшаётган барча халқларнинг хавфсизлиги таъминланади. Учинчидан, жумҳуриятимизнинг янгиланган Иттифоқ таркибида қолиши халқимиз келажагини белгилаш йўлида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Т. ХОЛБОЕВ,
Сурхондарё вилояти, қурувчи-муҳандис.

ТЕНГЛИК УЧУН

Қашқадарё вилоятида референдумга қандай тайёргарлик кўрилди? Мухбиримиз М. Каромов бу саволга халқ депутатлари вилоят Кенгаши раисининг ўринбосари Раҳим Раҳмоновдан қуйидагича жавоб олди:

— СССР халқ депутатлари тўртинчи съезди қарорига биноан ўтказиладиган референдум бюллетенида «Тенг ҳуқуқли мустақил республикаларнинг янгиланган ҳамда ҳар қандай миллатга мансуб кишининг ҳуқуқ ва эркинликларига тўла даражада кафолат бериладиган федерацияси сифатида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолишни зарур деб ҳисоблайсизми?» деган саволга ҳозирдапоқ одамлар ўз муносабатларини аниқ-равшан ифода этмоқдалар, — дея гап бошлади Р. Раҳмонов. — «Ҳа», ёки «Йўқ». Албатта кўпчилик Иттифоқ тарафдори. Буни референдумга тайёргарлик жараёнида ҳам ҳис этиб турдик.

Яқинда вилоят партия комитети ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳамкорликда мафкура ходимлари кенгашини ўтказдилар. Унда янгиланган Иттифоқ ҳамманинг ёрқин келажагини таъминлаши муқаррар эканлиги алоҳида таъкидланди. Лекин Иттифоқ адолат, бирдамликка, миллатидан қатъи назар ҳар бир киши учун тенгликка асосланган бўлмоғи лозим.

Референдум куни вилоят меҳнаткашлари жумҳуриятлар мустақиллигини, тенглигини амалда тан оладиган, ҳар бир миллат ва элат қадриятларини ҳурмат қиладиган ҳамда юзага чиқарадиган Иттифоқ учун овоз берадилар, деган умиддамиз.

СССР РЕФЕРЕНДУМИДА ОВОЗ БЕРИШ УЧУН

БЮЛЛЕТЕНЬ

1991 ЙИЛ 17 МАРТ

Тенг ҳуқуқли мустақил республикаларнинг янгиланган ҳамда ҳар қандай миллатга мансуб кишининг ҳуқуқ ва эркинликларига тўла даражада кафолат бериладиган федерацияси сифатида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолишни зарур деб ҳисоблайсизми?

Кўрсатилган жавобларнинг бирини қолдириб, иккинчисини ўчириб ташланг.

ҲА **~~ЙЎҚ~~**

Овоз бериш чоғида ҲА ва ЙЎҚ сўзлари ўчириб ташланган ёки иккала сўз ҳам қолдирилган бюллетень ҳақиқий эмас деб топилади.

СССР РЕФЕРЕНДУМИДА ОВОЗ БЕРИШ УЧУН

ҚЎШИМЧА БЮЛЛЕТЕНЬ

1991 ЙИЛ 17 МАРТ

Ўзбекистон янгиланаётган Иттифоқ (Федерация) таркибида мустақил тенгҳуқуқли жумҳурият бўлиб қолишига розимисиз?

Сизга маъқул бўлган жавобни қолдириб, иккинчисини ўчиришингизни сўраймиз.

ҲА **~~ЙЎҚ~~**

Овоз бериш чоғида ҳар иккала жавоб ҳам қолдирилган ёки ўчирилган бюллетень ҳақиқий эмас деб топилади.

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ АЗИЗ ФУҚАРОЛАРИ!

ҚАДРЛИ ОТАХОНЛАР! МУЪТАБАР ОНАХОНЛАР! ҲУРМАТЛИ ОПА-СИНГИЛЛАР, АКА-УКАЛАР!

ЭРТАГА якшанбада Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи тақдирини ҳал қиладиган СССР референдуми ўтади. Унда кўп миллатли мамлакатимиз халқлари қатори Сиз ҳам фуқаролик бурчини адо этиб, чинакам эркин ва онгли равишда ўз хоҳиш-иродангизни изҳор этасиз.

Мақсад аниқ — Иттифоқни сақлаб қолиш, эзгу ниятларга кучларни бирлаштириб, бор имкониятларни ишга солиб, ҳамкорликда эришишдир. Шунинг учун ҳам сизларни референдумга қўйилган иккала бюллетень саволларига — СССР Олий Кенгаши қўйган саволга, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати қарори билан таъсис этилган бюллетень саволига «ҲА» деб ижобий жавоб беришга чақирамиз.

Ҳар иккала бюллетень саволига

«ҲА»

деб жавоб бериш:

— мамлакатимиз барча халқларининг умумий мулки, қадрияти бўлмиш, уларнинг фаровон турмуши, бахт-саодати ва тараққиётимизнинг ишончли негизи **ИТТИФОҚИМИЗ**ни сақлаб қолиш;

— мамлакатимиз барча халқларига эркин ва тенг ҳуқуқли бўлиб яшаш имкониятларини берадиган, кўп йиллик биргаликдаги меҳнат билан яратилган улкан ишлаб чиқариш, илмий ва маданий куч-қудратимизни биргаликда, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда мудом ривожлантиришни, халқаро майдонда нуфузли, кучли давлат сифатидаги мавқеларимизни янада мустаҳкамлашни таъминлайдиган **ФЕДЕРАЦИЯ**ни янгилаш;

— ўз тараққиётининг барча масалаларини мустақил ҳал этадиган, фуқаролар жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришни эркинлик ва фаровонликнинг энг муҳим шарти деб биладиган **РЕСПУБЛИКАЛАР СУВЕРЕНИТЕТИ**ни — суверен давлатлар, федерация субъектларини қарор топтириш;

— халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф қилган меъёрларига биноан **ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ УСТУНЛИГИ**ни энг муҳим қонда деб тан олиш, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, шахсий ҳуқуқлар ва эркинликлардан фойдаланиш, қайси миллатга мансублигидан қатъи назар барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигига кафолат бериш тарафдори бўлиб чиқиш демакдир.

«ҲА, розимиз» десак, мамлакатимиз ҳозирги ва келажак авлодининг порлоқ истиқболи учун, барча халқлар, шу жумладан республикамиз халқлари ўз тақдирининг чинакам ҳўжайинлари бўлиши учун, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши сессиясида қабул қилинган **МУСТАҚИЛЛИК ДЕКЛАРАЦИЯСИ** амалга ошиши учун овоз берган бўламиз.

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ КЎП МИЛЛАТЛИ ФУҚАРОЛАРИ, ЖОНКУЯР МЕҲНАТКАШЛАРИ!

Референдумга қарши ташвиқот қилаётган сиёсатдонларга ишонманглар, улар бизни бу муҳим сиёсий тадбирда қатнашмасликка чақирмоқдалар, мустақил, тенг ҳуқуқли республикаларнинг Иттифоқи учун «Йўқ» деб овоз беришга даъват этмоқдалар. Биз ўзимизнинг миллий қобиғимизга ўралиб қолсак, пароканда бўлиб кетсак, ютқазиб қўямиз-ку!

Кўпмиллатли республикамиз халқлари, бундай сиёсатдонларга ишонманглар! Референдумда «ҳа» деб овоз берсангиз, фарзандларингиз ва невара-чевараларингизга порлоқ истиқбол яратган бўласиз. Барча эзгу, орзу-умидларимиз янгиланган Иттифоқ туфайли рўёбга чиқишига имонимиз комилдир.

ИТТИФОҚ УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ

СССР референдумини ўтказувчи Ўзбекистон ССР Марказий комиссиясида

14 март куни Тошкентда референдумни ўтказувчи Ўзбекистон ССР Марказий комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисни комиссия раиси Қ. А. Аҳмедов олиб борди.

Андижон, Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё вилоятларида ва Тошкент шаҳрида референдум ўтказишга округ ва участка комиссияларининг тайёрлиги тўғрисидаги ахборот тингланди. Комиссиялар барча зарур ҳужжатлар ва материаллар билан таъминланганлиги, жойларда асосий тайёргарлик тадбирларини тугаллаш юзасидан фаол иш олиб борилаётганлиги айтиб ўтилди.

Референдумга тақдим этилган саволларнинг мазмунини тушунтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Меҳнат жамоаларида ва фуқароларнинг истиқомат жойларида йиғилишлар ўтказилмоқда, оммавий ахборот воситаларида ишлаб чиқариш илғорлари, олимлар, ҳуқуқшунослар, халқ депутатлари, партия, уруш ва меҳнат фахрийлари билан суҳбатлар уюштирилмоқда. Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг қўшимча бюллетени ташвиқот-тушунтириш ишларини ўтказишда ижобий аҳамиятга эга бўлмоқда.

17 март куни участка комиссиялари ишини ташкил этишга, референдум тўғрисидаги Қонуннинг барча талабларига қатъиян риоя қилишга, овоз бериш якунларини чиқаришда ошкораликни таъминлашга алоҳида эътибор берилади. Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг раёсатларига Ўзбекистон ССР ҳар бир фуқаросининг суверен давлатларнинг янгиланган Федерацияси сифатида Иттифоқининг тақдирига нисбатан ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаши учун шарт-шароитни таминлаш тадбирларини кўриш тавсия этилди.

Мажлисда республика бир қанча вазирликлари раҳбарларининг ахборотлари тингланди. Референдум кунида аҳолига маданий ва бошқа хил хизматни ташкил этиш юзасидан муайян тадбирлар белгиланди.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ ДОВОНЛАР САРИ

Андижон вилояти ташкил этилганига 50 йил тўлди

Азиз Тўхтабоев — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор, 1931 йилдан КПСС аъзоси.

Андижон районидаги Охунбобоев номли сабзавотчилик давлат хўжалиги бригада бошлиғи, «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» Усмонали Қурбонов.

Балиқчи район партия қўмитаси котиби Сводатхон Расулова.

Андижон шаҳридаги 1-ҳунар-техника билим юрти муаллими, СССР халқ ўқитувчиси Одилжон Акбаров.

Бугун Андижон вилоятининг олтин тўйи. Андижонликлар учун бу тўй бениҳоя қувончлидир. Андижон Фарғона вилоятининг уезди эди. Мустақил вилоят сифатида ташкил топганига эса эллик йил бўлди. Ўтган ярим аср давомида вилоят ҳаётида туб ўзгаришлар рўй берди. Саноат ва қишлоқ хўжалигида ҳам, маданий ҳаётда ҳам катта ривожланиш содир бўлди. Кишиларнинг онги, билими ўсди, турмуш шароити яхшиланди.

Бугун биз вилоятимиз солномасини яратган, водийда, шу жумладан Андижонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун курашганларни, вилоятда ижтимоий ўзгаришларни бошлаб берганларни, Олимжон ҳожи Юсупов, Акбар Ўрозалиев, Собир Юсупов, Ҳаққул Ҳусанбоев, Мастура Ҳусанбоева ва бошқа кўпгина ўртоқларни қалбдан чуқур миннатдорчилик ва ҳурмат-эҳтиром билан эсга оламиз. Уларнинг номлари халқимиз хотирасида авайлаб сақланяпти. Сафимизда 1918 йилдан КПСС аъзоси Мухторжон Олимовдай эътиқодли коммунистлар борлиги билан фахрланамиз. Бу мўътабар зотнинг ҳаёт йўли ҳозирги авлод учун ибрат мактабдир.

Бугун биз водий тарихида ўчмас из қолдирган катта Фарғона канали бунёдкорларини эслаймиз. Ушбу умумхалқ ҳашари бошида мардонавор турган Тешавой Мирзаев, избосканлик Алиполвон, олтинкўллик Мирзакарим полвон, хўжаободлик Тўраполвон Ғойибов, андижонлик Умрзоқ Раҳимов ва бошқалар руҳига таъзим қиламиз.

Андижоннинг шонли тарихида 1941 йил 6 март алоҳида ўрин эгаллайди. Худди шу куни СССР Олий Кенгаши Раёсатининг Ўзбекистон ССР таркибида Андижон, Наманган ва Сурхондарё вилоятларини тузиш тўғрисидаги Фармони эълон қилинган эди. Андижон вилоятини ташкил этишдан мақсад ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш эди. Ўша йиллари Самарқанд вилоят партия қўмитасининг иккинчи котиби бўлиб ишлаган Николай Павлович Трофимов Андижон вилоятини тузиш бўйича ташкилий бюро раиси бўлиб келган.

Орадан кўп вақт ўтмай Улуғ Ватан уруши бошланди. Вилоят партия ташкилоти ўз фаолиятини зудлик билан ҳарбий ҳолатга мослаштиришга мажбур бўлди. Минглаб забардаст йигитларимиз ҳаёт-мамот жангига отландилар. Фарҳод ГЭСи ва Бекобод металлургия заводи қурилишида 14 мингга яқин андижонлик жасорат кўрсатиб меҳнат қилди. Бепоён Ватанимизнинг турли шаҳарларидан кўчиб келган ўн минглаб кишилар юртимиздан бошпана топдилар. Ҳамюртларимиз уларга уйларининг тўринигина эмас, шу билан бирга қайноқ бағрини ҳам бахшида этдилар, борини баҳам кўрдилар.

Улуғ Ватан уруши бутун совет халқи каби Андижон фарзандлари учун ҳам оғир синов бўлди. Улар даҳшатли жангларда ор-номус, виждон учун курашдилар. Фикримнинг исботи шуки, урушда кўрсатган жасорати учун 13 мингдан зиёд андижонлик жанговар орден ва медаллар билан тақдирланди, 12 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлди. Ўзбеклар орасидан чиққан биринчи Совет Иттифоқи Қаҳрамони Қўчқор Турдиев ҳам асли андижонликдир. Урушда 5 киши тўла Шуҳрат ордени нишондори бўлди. Жангу-жадалларда қатнашган 87 минг кишидан 37 минги уйларига қайтиб келмади.

Халқимизнинг фронт ортидаги мислсиз жасорати, хотин-қизларнинг сабр-бардоши ва меҳнати тарих саҳифаларига зархал ҳарфлар билан ёзилган.

Урушдан кейинги йилларда халқ хўжалигини қайта тиклаш ишлари кенг авж олдириб юборилди. Бор бисотини фронтга жўнатган халқ зиммасида завод-фабрикаларни ишга тушириш, хўжаликларни мустаҳкамлаш, социалистик қурилишни жадаллаштириш вазифаси турар эди. Мана шу масъулиятли даврда вилоят коммунистларига раҳбарлик қилиш Абдураззоқ Мавлонов зиммасига тушди. Ветеран коммунистларимизнинг айтишларича у киши сўзга чечан, оммани ўз ортидан эргаштира оладиган моҳир ташкилотчи бўлган экан. Ўзи ва бошқаларга ниҳоятда талабчан, партия интизомини ғоят қадрлайдиган саркотиб раҳбарлигида 1946—1949 йилларда Андижонда катта ишлар рўёбга чиқарилди.

Андижонликлар кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлишган. Андижонлик деганда пахта усталари тушуниларди. Пахтасиз босиб ўтилган йўлни тасаввур қилиб бўлмайди. Мамажон Дадажонов, Мўттихон Жумабоева, Иброҳим Бакиров, Абдусамат Тиллабоев ва бошқалар ўзларининг фидойилиги, ақл-заковати билан тилларда достон бўлдилар.

Уларнинг кўпчилиги партия ишига содиқ, эътиқодли коммунистлардир.

Эллигинчи йилларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, ўша йиллар янги ерлар ўзлаштириш, қурилиш ташкилотларининг юзага келиши ва саноат корхоналарининг барпо этилиши билан боғлиқ. Бу ишларни амалга оширишда вилоят партия ташкилотининг катта ташкилотчилик ролини яққол сезиш мумкин.

Бинобарин, ҳар бир соҳадаги ўзгаришларни, юксалишларни таққослаш асосидагина аниқ тасаввур қилса бўлади. 40-йилларда вилоятимиз саноатида асосан қишлоқ хўжалиги учун кетмон, ўроқ, омоч тайёрланганлигини, корхоналарда иш шароитининг оғирлигини, мавжуд техника воситаларининг ночор аҳволда эканлигини бугунги ёшларимиз яхши билиб олишлари керак. Шунга қарамай, саноат корхоналари бармоқ билан санарли ҳолатда эди. Уларнинг айримлари эски масжид ва омборхоналарга жойлашганлигини фахрий ишчиларимиз яхши эслашади.

Вилоятимизда «Коммунар» «Андижанирмаш», гидролиз, «Электродвигатель», консерва заводлари, мебель фабрикаси ва саноатнинг бутунлай янги тармоқлари юзага келди. Электротехника, электрон техникаси, тўқимачилик, енгил саноатнинг бир қатор корхоналари қурилди. Айниқса кейинги ўн йилликда ишга туширилган тўқимачилик саноати корхоналари аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган ип-газламалар ишлаб чиқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Айни пайтда тўқимачилик саноатида 46 мингдан зиёд киши ишламоқда. Қишлоқларда шу соҳанинг ўнлаб фабрикалари ишлаб турибди. Бир сўз билан айтганда вилоятимизда кичик устахоналар, артеллар ўрнида замонавий корхоналар қад кўтарди. Ҳозир ана шу корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар 40 дан зиёд чет мамлакатларга жўнатилмоқда.

Саноат корхоналарида олдинига учтўрт кишидан иборат бўлган партия ячейкалари бугунги кунда йирик партия ташкилотларига айланди. Улар меҳнат жамоаларида етакчи даъваткор куч бўлиб келди. Вилоятимизда қурилиш, транспорт, алоқа ҳам юксалди. Қўриқ ерларни ўзлаштириш ҳисобига бир қатор районлар ташкил этилди. Йирик Андижон сув омбори қурилди. Шаҳарлар, қишлоқлар ёпасига электрлаштирилди. Бу ишларга озмунча куч-ғайрат сарфланмади.

Андижонлик деҳқонлар ниҳоятда бой тажрибага эгадирлар. 1941 йилда вилоятимизда 126 минг гектар ерга пахта экилиб, 297 минг тонна ҳосил олинган эди. Ўтган йили 444 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» териб олинди. Шу йиллар ичида қатор боғдорчилик хўжаликлари ташкил топди.

Шу ўринда турғунлик йилларида қишлоқ хўжалигини бошқаришда хатоларга йўл қўйилганлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Натижада имкониятларимиз чегараланиб қолди, деҳқонларимиз, боғбонларимиз, пиллакорлар ва чорвадорларимиз ишида муайян лоқайдлик юзага келди. Лекин бугунги кунда партия даъвати билан иқтисодиёт инсонга юз ўгирмоқда. Халқ хўжалигининг бошқа соҳалари каби қишлоқ хўжалигида ҳам ўз касбига меҳр-муҳаббат уйғонмоқда, моддий манфаатдорлик ортмоқда. Ўтган йилги пахта йиғим-терими мавсуми халқимизда катта кўтаринкилик, куч-ғайрат мавжудлигини намоён қилди. Партия ташкилотлари партиявий-сиёсий ва ташвиқот-тарғибот ишларини инсонга ғамхўрлик, меҳр-муҳаббат билан қўшиб олиб бормоқдалар. Кейинги икки йилнинг ўзида якка тартибда уй-жой қуриш учун 8,5 минг гектар, шахсий томорқаларни кенгайтириш учун 8,6 минг гектар ер бўлиб берилди. Андижон шаҳри ва шаҳар атрофидаги қишлоқларни ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида Советобод — Андижон сув йўли қурилиши олиб борилмоқда. Юзлаб кам даромадли, боқувчисини йўқотган, меҳр-шафқатга муҳтож онталаларга, ёлғиз кишиларга ёрдам берилмоқда. Шунингдек, партия ташкилотлари аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришнинг зарур чора-тадбирларини кўраётир.

Андижон зиёлилар юрти, деб бежиз айтишмайди. Вилоятимиз ташкил топган дастлабки йиллари бирорта ҳам олий илмгоҳ йўқ эди. Бугунги кунда 6 та олийгоҳ, 22 та ўрта махсус ўқув юрти, 35 та ҳунар-техника билим юрти мавжуд бўлиб, уларда 52 нафар фан доктори, 552 нафар фан номзоди фаолият кўрсатмоқда. Ўрта мактабларда 400 минг бола таълим оляпти. Медицина муассасалари, кутубхоналар, маданий-оқартув муассасалари тармоғи ҳам беқиёс кенгайдики, бу соҳада кўпгина ижобий мисоллар келтириш мумкин.

Аҳолининг тинч-тотув яшашини таъминлаш вилоят партия ташкилотининг фаолиятида асосий ўрин эгалламоқда. Аҳиллик, ҳамжиҳатлик бор жойда ютуқлар кўпайиши табиийдир.

Бугун биз бутун мамлакат миқёсида катта воқеа олдида турибмиз. Эртага СССР умумхалқ референдуми ўтказилади. Ҳамиша бўлгани сингари вилоятимиз коммунистлари халқ ўртасида катта тушунтириш ишларини олиб бордилар. Халқимиз Ўзбекистоннинг янгиланаётган Иттифоқ таркибида мустақил, тенг ҳуқуқли жумҳурият бўлиб қолиши учун овоз берамиз, деб айтмоқда. Зеро халқлар дўстлиги ва ўзаро ҳамкорлиги турмушимиз фаровонлиги демакдир. Халқимиз азалдан дўстлик, тинчлик, ўзаро иттифоқликни ҳамма нарсадан ҳам улуғ кўриб келган. Шундай экан, ўзининг ярим асрлик тўйини нишонлаётган вилоятимиз, жумҳуриятимизнинг бундан кейинги равнақи, фаровон турмуши ҳам ана шу дўстликка, ҳамкорликка боғлиқ бўлади.

ЭЛ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Кейинги йилларда вилоятимизда халқ соғлиғини таъминлашга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Чунки, узоқ йиллар давомида пахта асосий экин бўлиб қолганлиги, ерга химиявий дориларнинг беҳисоб солиниваериши турли хил касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлган эди. Қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам экология бузилди. Сув ва ҳаво ифлосланди. Ҳозир болалар ўлими олдини олиш, хомиладор ва ёш оналарга ғамхўрлик анча кучайган. Андижон тиббий олийгоҳи ташкил этилгач, вилоятимиз билан бирга бутун Фарғона водийсини шифокор қадрлар билан таъминлаш анча яхшиланди.

Қайта қуриш ва ошкоралик оқ халатли кишилар учун айниқса қўл келди. Энди ҳар бир ютуқ ҳам, нуқсон ҳам ўз номи билан аниқ-равшан айтиладиган бўлди. Кейинги икки-уч йил ичида шаҳримизнинг Боғишамол даҳасида, Ленинск шаҳрида, Комсомолобод, Марҳамат районларида поликлиникалар, Андижонда кўп тармоқли болалар шифохонаси, Ленин райони ва Шаҳрихон шаҳрида марказий касалхона, Андижонда травмотология касалхонасининг янги даволаш корпуси, Олтинкўл, Пахтаобод, Андижон районлари, шунингдек, Андижон ип-газлама комбинатида янги касалхоналар ва поликлиникалар қурилиб ишга туширилди. Бугун биз андижонлик тиш врачи Абдураҳмон Қодиров, пахтаободлик жарроҳ Шуҳрат Ашуров, шаҳар тез ёрдам станцияси врачи Сойибжон Насриддинов, асакалик Ғуломжон Неъматов каби эл орасида донг таратган врачлар билан фахрланамиз.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий техника базаси тобора яхшиланиб боряпти. Вилоятимиз аҳолисининг 70 фоизи бугун қишлоқларда яшайди. Шунинг учун ҳам вилоят партия ва совет ташкилотлари қишлоқларда амбулатория, фельдшерлик нуқталарини кўпайтиришга, соғлиқни сақлаш хизматини шахсан аҳоли яшайдиган ва меҳнат қилаётган жойларга кўчиришга алоҳида эътибор беряпти.

Б. НИЕЗМАТОВ,
вилоят соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири.

ТЕРАН ТОМИРЛАР

Қ. ХОЛМИРЗАЕВ,
Андижон вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси.

ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

АКС-САДО

«Совет Ўзбекистони» рўзномасининг 5 март сонида чоп этилган «Бола азиз...» мақоласини ўқиб қўлга қалам олишга журъат этдим. Чунки мақолада кўп йиллардан бери жумҳуриятимиз аҳолисини ташвишга солиб келаётган муаммолар очиқ-ойдин, одилона баён этилган. Мақолада келтирилган ҳамма фикрларни тўла қувватлаш билан бирга баъзи фикрларни баён этишга жазм қилдим. Келтирилган камчиликлар кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Бу кўнгилсиз воқеалар узоқ вақтлардан буён давом этиб, одат тусига айланиб қолган. Турғунлик даврида турли кўзбўямачиликлар, йўқ нарсаларни бор қилиб раҳбарлар эътиборига тушиш каби яроқсиз усуллар авж олганлигидан ҳамма хабардор эди. Лекин ҳозирги кунда жамиятимизнинг ҳамма жабҳаларида қайта қуриш жараёни кетаётганда болалар боғчаларида содир бўлаётган камчиликлар кишини ҳайратга солади ва нохуш ҳис уйғотади.

Болалар боғчаларининг ва унга алоқадор раҳбарларнинг бундай иш тутишини қандай баҳолаш мумкин? Фикримча, болалар боғчаларидаги ёмон ҳолатларга жавобгар кишиларни ишга совуққонлик билан ёндашишигина деб баҳолаб бўлмайди, балки келажагимиз тақдирига жавоб берадиган ёш бўғинларни етук кишилар бўлишига путур етказишдан иборат деб изоҳламоқ даркор.

Болалар ризқ-рўзига хиёнат қиладиган ёки озиқ-овқатдан уриб қолиб, ўз манфаатига ва бошқа мақсадлар учун фойдаланаётган боғча ходимларини жиноятчи сифатида қораламоқ керак. Бундай раҳбарлар ўзлари эгаллаб турган лавозимларига тўла жавоб бера оладиган кишилар бўлганда эди, бундай ишга кўл урмас эдилар.

Мактабгача тарбия муассасаларида болалар тарбиясига эътиборсизлик билан қараш, мактаб ва олий ўқув юртлари фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. И. Турсунов ибораси билан айтганда, «боғчадан кейин иқтидорли болаларимизнинг кўпчилигини йўқотиб қўймоқдамиз»

Иқтидорли болалар жамиятнинг олтин жамғармасидир. Шунинг учун ҳам мактабгача тарбия муассасалари ходимлари нафақат болажон бўлишлари керак, айни вақтда улар болалардаги иқтидор йўналишини англаб оладиган, ана шу иқтидор даражасини психологик усуллар орқали илмий ўлчашни биладиган ва боланинг кейинги ривожланишини таъминлаш учун оила, мактабгача педагогик-психологик асосланган йўналиш беришга қодир бўлмоқлари зарур.

Фикримизча, ушбу фаолиятни амалга ошириш, миллатнинг маънавий ва руҳий соғломлашувига мактабгача тарбия муассасаларининг ҳозирги кунда кечиктирмасдан қўшиши керак бўлган ҳиссасидир. Ана шундагина мактабга ва бошқа ўқув юртларига «ўртамиёна» эмас, балки, қобилиятли ёшлар кела бошлайдики, бу ўз навбатида кадрлар масаласини янгича босқичда ечиш имкониятини беради.

Бизнингча ҳозирги нархнавонинг турғун бўлмаган даврида оилавий боғчаларни ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Сабаби: бундай боғчаларга ота-оналар ўзлари ҳам моддий-маънавий ёрдам беришлари мумкин. Бундан ташқари оилавий боғчалар ота-оналар турар-жойларига яқин тарбиячиларни ўзлари танлаб олишлари мумкин, болага яхши томони у оилавий шароитда ўсади.

Энг муҳими, оилавий боғчаларда халқ педагогикаси материалларидан кейин фойдаланиб, болаларга миллий қадриятларни сингдириш имконияти мавжуддир.

И. Турсуновнинг «Бола азиз...» мақоласини ўз вақтида чоп этилган, партиямизнинг тақдиримиз учун ташвиши нишонаси деб ўйлайман ва кўрсатилган камчиликларни бартараф қилинишига, мактабгача тарбия муассасаларининг фаолиятини яхшиланишига имонимиз комилдир, бу масалаларни ҳал қилишда жумҳуриятимизнинг ҳар бир фуқароси фаол иштирок этишларига ишонамиз.

А. ҚОСИМОВ,
Андижон давлат дорилмуаллимининг ректори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор.



СУРАТДА: Акмал Қосимов шогирди билан.

АНЪАНАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАБ

● Вилоятда сўнгги йилларда ҳар томонлама ривожланган бир қатор корхоналар барпо этилдики, бугунги кунга келиб уларда 10 мингга яқин киши ишламоқда. Ўтган давр мобайнида мазкур фабрикалар замонавий дастгоҳлар билан таъминланди.

Жумҳурият ҳукуматининг кейинги йилларда маҳаллий саноатнинг қишлоқларда филиалларини очишга қаратилган тадбирлари жойларда ҳунармандчилик, дегрезлик, кулолчилик ва бошқа қадимий халқ ҳунармандчилиги анъаналарини қайтадан тиклашга кўмак берди. Айни пайтда бу хайрли тадбирлар ишсиз юрган қишлоқ аҳолисини фойдали ижтимоий ҳаётга жалб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Биз шуларни ҳисобга олиб, ўз иш режаларимизни қайтадан тузиб чиқдик. Яқинда Шаҳрихон шойи тўқиш фабрикасидаги дастгоҳларни унга яқин ҳудуддаги У. Юсупов номли, «Правда», Киров номли жамоа хўжаликларига келтириб, ажратилган биноларга ўрнатишни бошлаб юбордик. Тез орада бу хўжаликларда учта шойи тўқиш фабрикалари ишга туширилади, қарийб 600 киши иш билан таъминланади.

Шаҳрихондаги фабрика ўрнида эса ипак йигирув корхонасини ташкил этиб, йилига 100 тонна ипак ишлаб чиқаришни мўлжаллаб турибмиз. Унинг ёнида барқут тўқиш фабрикасини ишга тушириш режалаштирилган. Бу ва бошқа янги қувватларни барпо этиб, 1995 йилда вилоятда маҳаллий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йилига 200 миллион сўмликка етказишга аҳд қилганмиз. Барчамиз ҳамжиҳатлик билан ишласак ўйлайманки, кўзлаган мақсадимизга, албатта эришамиз.

О. СОДИҚОВ,
вилоят маҳаллий саноат бошқармасининг бошлиғи.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН: ДЕҲҚОНЛАРНИНГ КАТТА КЕНГАШИ

Нукусда анъанавий қурултой иштирокчилари ўтган қишлоқ хўжалик йили якунларини, бу йилги режаларни, шунингдек Қорақалпоғистон деҳқончилик-саноат комплексини ривожлантиришнинг 1991-1995 йилларга мўлжалланган дастурини муҳокама қилдилар.

Йиғилганлар ҳузурида Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг Раиси, Ўзбекистон Компартияси республика комитетининг биринчи котиби Д. Н. Шамшетов маъруза қилди.

Қурултойда сўзга чиққанлар ўтган йили бир қанча ютуқларга эришилганига қарамай, Қорақалпоғистон деҳқончилик-саноат комплексида кечиктирмай ҳал этишни талаб қилувчи бир қанча муаммолар вужудга келганини таъкидладилар. Суғориладиган ерларнинг унумдорлиги пастлигича қоляпти, жамоат чорвачилигида ташвишли вазият вужудга келди. Мева-сабзавот маҳсулоти етиштириш ҳажмлари суст кўпаймоқда.

Экология вазияти ҳамон ёмонлашиб бораётгани қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга ёмон таъсир этяпти. Ерларни комплекс мелиорациялаш тадбирларини ўтказиш учун ажратилаётган маблағ етарли эмас. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари меҳнат ва турмуш шароитлари ҳам ачинарлидир.

Қурултой иштирокчилари муҳокама қилган деҳқончилик-саноат комплексини ривожлантириш дастури ана шу ва бошқа муаммоларни ҳал этишда ёрдам бериши керак.

Қурултойда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

17 МАРТ — САВДО, АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИ КУНИ

КАСБ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН УНВОНЛАР ВА МУКОФОТЛАР

Савдо, аҳолига маиший хизмат ва уй-жой-коммунал хўжалиги ходимлари куни муносабати билан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ, кўп йил ҳалол ишлаганликлари, хизмат соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшганликлари, жамоат турмушида фаол иштирок этганликлари учун шу тармоқ ходимларининг бир гуруҳи Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

(ЎзТАГ).

МЕҲНАТКАШ ИНСОНГА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИБ

15 март куни Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва уй-жой-коммунал хўжалик ходимлари кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Унда ана шу соҳа ходимлари олдида турган вазифалар тўғрисида гап борди.

Ўзбекистон ССР уй-жой-коммунал хўжалиги вазири В. К. Михайлов маъруза қилди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби А. Абдувосиқов, жумҳурият Вазирлар Кабинети Раисининг ўринбосари У. Қ. Исмоилов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● Вилоятда 50 йил ичида электр энергияси ишлаб чиқариш—16, нефть—23, ип-газлама—8, чарм пойабзал ишлаб чиқариш—2,3 баравар кўпайди.

● Пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 19,6 центнердан 28,4 центнерга кўтарилди. Давлатга ўтган йили 444 минг тоннадан зиёд пахта ҳосили топширилди.

● Пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмалари, нитрон, прицеплар, тепловоз ремонт заводлари ишга туширилди.

● Умумий овқатланишни қўшиб ҳисоблаганда товар оборотн ҳажми 16 баравар кўпайди.

● 1957 йилда Андижон вилояти Ленин ордени билан мукофотланди.

● 1941 йилда вилоят мактабларида 215,7 минг ўқувчи таълим олган, ўқитувчилар сони 5385 кишини ташкил этганди. 1991 йилда ўқувчилар сони—398,7 минг нафарга, ўқитувчилар сони эса 30,4 минг нафарга етди.

Ленин районидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени «Правда Востока» жамоа хўжалиги марказ.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● Аҳолига тиббиёт хизмати кўрсатиш тубдан яхшиланди. 50 йил ичида касалхоналар сони 51 тадан 93 тага етди.

● Шифохоналардаги ўринлар салкам 2 мингдан 21 мингтага, врачлар сони 205 нафардан 6120 нафарга етди.

● Вилоятда ўтган йили ялпи миллий даромад 3 миллиард 373 миллион сўмни ташкил этди. 1 миллиард 429 миллион сўмлик саноат маҳсулоти, шу жумладан 1 миллиард 65 миллион сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. 621,5 минг квадрат метр уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Аҳолига 166 минг сўмлик пулик хизмат кўрсатилди. Товар оборотн ҳажми 1 миллиард 479 миллион сўмни ташкил этди.

НАВРЎЗ КЕЛАЁТИР...

У қандай кутиб олинади?

ХАЛҚИМИЗ Наврўз баҳонасида табиатни мадҳ этади. Баҳор фасли ва Наврўзга аталган классик куй ва қўшиқлар, халқ оғзаки ижодининг ноёб намуналари, замонавий шеър ва достонларда табиат мадҳи баланд пардаларда куйланади. Халқ Наврўзни аччиқ замонлар қаъридан, тарих тўфонларидан асраб-авайлаб олиб ўтмоқда.

Наврўз кишиларни табиат гўзалликларидан баҳраманд бўлишга, уни асрашга ва кўпайтиришга ундайди. Уларнинг маънавий бойиши ва мазмунли дам олиши, ҳаваскорлик ижодиёти, сўз санъати, ўйин-кулги, чаққонлик каби маҳоратини намойиш қилишига кенг имконият яратади.

Баҳор фасли Ернинг Шимолий ярим шарида баҳорги кеча-кундуз тенглигидан (20-21 март кунлари) ёзги қуёш турғунлигигача, яъни тун энг қисқа бўлган кунгача (21-22 июнь кунлари) давом этган. Шунга кўра, Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ халқлари кеча билан кундузи тенглашган кун, яъни 21 мартдан 22 мартга ўтар кунни жуда қадимий даврдан бери Янги кун — Янги йил ҳисоблаб, уни қувонч билан қарши олганлар, тантанали нишонлаганлар. Одамлар Янги кун—Наврўз тантаналари бошланишидан олдинроқ байрамга тайёргарлик кўрганлар. Қадимий одатга кўра, бир неча кун илгари буғдой ёки арпа ундириб сумалак пиширганлар. Наврўзга бағишлаб сайиллар уюштирилган. Ёшлар, кексалар кечаси билан ухламасдан кўклам ҳақида шеърлар, қўшиқлар, эртак ва ҳикоялар айтишиб, ўйин-кулги билан байрамни кутиб олишган. Байрам куни «улоқ», «кураш», «от чопар» сингари ўйинлар уюштирилган.

Абу Райҳон Беруний «Китоб-ат тавҳим» («Тушунтириш») «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобларида Наврўзнинг Аҳмонийлар давридан бошлаб анъанага айлангани, унинг тупроғимизга арабларнинг қадам қўйиши билан бир неча йиллар барҳам топгани, сарой Наврўзни расман тақиқласа-да, фуқаро севган байрамни ҳеч бир йил тарк этмагани, халқларимиз араб халифалигидан халос бўлгандан сўнг IX—X асрларда Наврўз яна очиқ таомилга киргани ҳақида маълумотлар беради. Абу Райҳон Беруний таъкидлайдики, Наврўз баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалар етилгунча, ўсимлик унib чиқа бошлашидан такомиллашгунча давом этган вақтда байрам қилинган. Наврўз оламнинг бошланиши ва ёшаришидир.

Маҳмуд Қошғарий ўзининг машҳур «Девону луғатиттурк» асарида Баҳор, Наврўз тантаналарига бағишлаб минг йиллар олдин яратилган лирик халқ қўшиқларидан намуналар келтиради.

Наврўзнинг ҳақиқий халқ анъанаси ва шодиёнаси бўлганлигига шарқ алломалари асарлари ҳам гувоҳлик беради. Зеро, Умар Хайём «Наврўзнома», Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома», Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билик», Носир Рабғузий «Қиссаи Рабғузий», Саъдий Шерозий «Гулистон», Лутфий «Гул ва Наврўз» асарларида, Жомий, Навоий, Фурқат, Муқимий, Завқий латиф ғазалларида Наврўзни бетакрор бадиий бўёқларда куйлаганлар.

Наврўзнинг халқимиз маънавий-ахлоқий тарбиясидаги ўрни беқиёс. Зеро, Наврўз байрами орқали табиат, меҳнат улуғланади. Ҳамма замонларда Наврўз байрами катта халқ сайили, ижтимоий-маънавий тантана сифатида ўтказилган, яъни ўша куни тонгданоқ қарнай-сурнай садолари янграган, қир-адирлар, овлоқ далалар, қиш бўйи ҳувиллаб ётган майдонлар, кўчалар болаларнинг овозлари, ўйин-кулгиси билан тўлган.

Наврўз байрами боғ-дала ишларини уюштириш ва ташкил қилиш, уни кўтаринки руҳ, хуш кайфият билан бошлаш мақсадига хизмат қилади.

Наврўз байрамини чинакам халқ байрамига айлантиришда, уни тайёрлаш ва ўтказишда меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари, маданий-маърифий муассасалар бош-қош бўлишлари талаб этилади. Байрамни ўтказиш учун маданий ва истироҳат боғлари, клуб саҳналари, мактаб ва маҳаллалардаги майдонлар, баҳаво очиқ жойлар, кенг дала-қирлар танланади.

Наврўз байрамини шаҳар, шаҳар ва посёлка миқёсида оммавий байрам, колхоз, қишлоқ, маҳалла миқёсида театрлаштирилган томоша; маданият уйида методик кеча; уйлардаги дастурхон атрофидаги оилавий байрам сифатида ўтказиш мумкин.

ШАҲАР, РАЙОН ВА ПОСЁЛКАДА...

Ташкилий гуруҳ байрам сценарийсини ишлаб чиқиб, унда жумладан, қуйидагилар аниқ белгиланади; тадбирнинг ўтказиш жойи ва вақти; фойдаланиладиган техник воситалар; кўргазмали воситалар; маросимнинг очилиши; расмий қисм (нутқ ва маърузалар); бадиий қисм; дам олиш вақти; концерт ва спектакларнинг бошланиш вақти; ўйин ва аттракционларни ташкил этиш, кинофильмларни намойиш этиш вақти ва бошқалар.

БАЙРАМНИ ўтказиш учун аҳоли истиқомат қиладиган жойга яқинроқ бўлган кенг майдон танланади.

Қишлоқ жойларида байрам тантаналари ўтадиган майдондан ҳар бир колхоз ва совхоз учун алоҳида жой ажратилади. Ҳар бир хўжалик тадбирни ўтказиш учун ўзига қарашли майдонларни тайёрлайди. У ерга қозон, идиштовоқ, озиқ-овқат, ўтин келтирилади. Ошпазлар мазали овқатлар, чойхоначилар иссиқ чой тайёрлайдилар. Байрам қатнашчилари учун алоҳида овқатланадиган, ҳордиқ чиқарадиган жойлар ажратилади. Наврўз байрамига энг яхши тайёргарлик учун хўжаликлараро кўрик-конкурс ўтказиш ҳамда уларни рағбатлантириш яхши самара беради.

Байрам куни хўжалик аъзолари махсус автобусларда келадилар. Тадбирга қатнашишни истаган бошқа кишилар учун махсус транспорт ташкил этилади.

Байрам ўтказиладиган майдонга радио карнайлар ўрнатилади. Радиодан Баҳор фаслини, Тинчлик, Ватанни мадҳ этувчи куй ва қўшиқлар, шеърлар янграб туради. Шунингдек, ҳаваскорлар ижросидаги карнай ва сурнайлар садолари ҳам одамларни байрам тантаналарига чорлаб туриши керак.

Байрам бошланиши олдидан дастурхон ёзилиб ҳар бир киши ўз жойини эгаллайди. Ташкилий комиссиянинг раиси радио орқали байрам иштирокчиларини табриклайди... Дастурхон атрофида тахминан бир соат давомида ҳар бир жамоа байрамга тайёрлаган ўз тадбирини намойиш этади. Унда қизғин суҳбатлар, ўйин-кулгу, шеърхонлик бўлади, қувноқ куй ва қўшиқлар, рақслар ижро этилади, кулгу усталари, қўғирчоқбозлар ўз санъатларини намойиш қиладилар.

Сўнгра кенг оммавий тадбирлар бошланади: югуриш, сакраш, кураш, волейбол, футбол ҳамда энг илғор трактorчилар орасида мусобақалар ўтказилади. Автомобиль йўл ҳаракатлари қоидалари бўйича ҳам мусобақалар бўлиб ўтади. Бадиий-ҳаваскорлик коллективлари концерт берадилар. Шахмат, шашка ўйнайдиган заллар, кўчма кутубхона ишлаб туради. Санъат кўргазмалари очилади. Рақс майдонларида миллий чолғу ансамбли жўрлигида рақсларга тушадилар. Автоклубларда фильмлар намойиш этиклади.

Оммавий-бадиий тадбирлар тугагандан сўнг байрам қатнашчилари овқатланиш учун ўз жойларига тарқаладилар. Байрамда иштирок этаётган бошқа кишилар эса кўчма ошхона ва чойхоналарда тайёрланган таомлардан тановул қиладилар. Байрамда спиртли ичимликларни истеъмол қилиш қатъиян ман этилади.

Овқатдан сўнг байрам яна давом этади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўргазмаси, боғбонлар, пазандалар, қандолатчилар, қушбозлар, гулчилар кўргазмалари, уларнинг кўрик-конкурслари байрам иштирокчиларида катта таассурот қолдиради.

Яна келдинг ястаниб, Кўклам,
Сенга пешвоз халқиму ўлкам!

Бу қўшиқ ижрочилари — Ғойиб ота Тўйчиев бошлиқ оилавий ансамблни Фарғона водийсида яхши билишади. Тўғри, ансамбль аъзолари турли касб эгалари. Бироқ улар ҳаётларини санъатсиз тасаввур этишолмайди. Жумладан, ансамбль бошлиғи Ғойиб ота кексa тегирмончи. Бувайда районидаги Калинин номли колхозининг Олтинқўрғон қишлоғидаги тегирмонда ишлайди.

Ансамбль область, жумҳурият кўрикларида муваффақиятли қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритиб келмоқда.

Ансамбль аъзолари Алишер Навоийнинг 550 йиллигига атаб янги концерт программаси тайёрлашди.

Суратда: Ғойиб ота (ўртада) фарзандлари ва набиралари билан.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

МАДАНИЯТ МУАССАСАЛАРИДА...

Наврўз байрами кунида маданият муассасалари ўзига хос оммавий тадбирлар, тантаналар марказига айланади. Шу куни маданият уйи ёки клуб биноси пештахталарига «Наврўз байрамига хуш келибсизлар! деб ёзилган алвон илинади. Фойеда «Баҳор юмушлари», «Баҳор таомлари», «Бахт меҳнатда ва яратишдадир!», «Меҳнат қилган элда азиз!», «Мусобақа илғорларига тенглашинг!» деган мавзуларда кўргазма, фотомонтаж, фотостендлар тайёрланади.

САҲНАНИНГ тўрида Муқимийнинг «Навбаҳор очилди, гуллар, сабза бўлди боғлар» деб бошланадиган шеъридан тўрт мисра алвонга ёзиб қўйилган. Шеърий сатрлар атрофи турфа гуллар очилиб ётган табиат манзаралари тасвири билан ўралган.

Зал «Марҳабо, Наврўз!», «Ассалом, баҳор!», «Наврўз — ёшлик ва гўзаллик байрами!» деган шиорлар, шунингдек, аскиячилар, қизиқчиларнинг ўзига хос чеҳраси, қўзиқорин, булбул, лайлак, турна, қалдирғоч, атиргул, лола, қоқигул, сумалак, ялпиз тасвири туширилган рангли расмлар билан безатилади.

Зал техник воситалар: микрофон, овозни баланлатувчи, прожектор, радио карнайлар, радиола, магнитафон, пластинкалар, киноқурилма ва бошқалар билан жиҳозланади.

Маданият уйи (клуб)га кираверишда ёки фойеда кўчма китоб савдоси, ширинликлар сотадиган жой ташкил этиш мумкин.

Наврўз байрамига меҳнатда донг таратган кишилар, кексалар, ёшлар, маҳаллий матбуот ходимлари ва бошқа ижодкорлар, жамоат ташкилотлари вакиллари таклиф қилинади...

Саҳнага қадимий услубда тикилган уст-бош кийган бошқарувчилар — йигит ва қиз чиқиб келади.

Йигит: — Шарқ шоирлари Баҳорни, Наврўзни ихлос ва эҳтирос билан, илҳом ва муҳаббат билан мадҳ этганлар. Зеро, Умар Хайёмнинг рубоийларида, Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик», Носир Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий», Саъдий Шерозийнинг «Гулистон», Лутфий, Жомий, Фурқат, Муқимий, Завқий ғазалларида Баҳор ва Наврўз бетакрор бўёқлар билан куйланган.

Қиз: — Ўзбек совет шоирлари Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Миртемир, Шайҳзода, Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов шеърларида Баҳор эўр илҳом билан тараннум этилган...

Йигит: — Дўстлар, ҳозир фан-техниканинг сўнгги ихтироси бўлган «Ўтмишни бугунги кунга қайтариш» машинасидан ёрдам сўраймиз. Наврўзни тавсиф этган аллома шоирларни байрамга таклиф этамиз. (Қиз рамзий аппарат ёнига бориб тугмачаларни босади. Аппаратнинг қизил, кўк, сариқ лампочкалари ёниб ўчади). Шу пайт саҳнага қўлларида асо ушлаган X—XIX асрларга мос кийинган етти киши кириб келади.

Қиз: — Хуш келибсиз, отахонлар! Даврамизга марҳабо! Табаррук устодлар, узримизни маъзур тутинг. Танишга ўхшайсизлар-у, аммо аниқ сўзлашга ожизмиз. Қайси фалакиётдан ташриф этдингиз? Манзилгоҳингиз, борар йўлингиз қаён?..

Кекса киши: — (Энг кекса киши салмоқлаб гапиради). Қадрдонларим! мен минг йил аввал шу тупроқда таваллуд топганман. Исми-шарифим Маҳмуд Қошғарий (Ёнидагиларни таништиради). Бу қария Юсуф Хос Ҳожиб! Бу — шайх Умар Хайём! Бу — Низомул мулк Амир Алишер Навоий! — Бу оташнафас Машраб! Бу — ҳижронзада Фурқат! Бу — Мавлоно Муқимий!

Йигит: — Марҳабо, улуғ зотлар. Суҳбатимиз табаррук сўзингизла, фикр ёғдунгизла соз эрур, сарафроз эрур.

Қиз: — Ёшларимиз сизлар каби кексалар суҳбатига, маслаҳатига беҳад муштоқ. Келганингиз айни муддао! Марҳабо, Наврўз ҳақида сўзларингизга мунтазирмиз. Сўзланг, устоз Қошғарий.

Қошғарий: — Маълумингизким, мен машҳур «Девону луғатит-турк»ни китобат этганман. Унда баҳор — Наврўз шундай таърифланади (шеър ўқийди).

Йигит: — Рубоийлар хазинасининг султони Умар Хайём олам ва одам қисмати ҳақида кўп ва хўп сўз айтганлар. Ҳозир устоднинг ўзларидан эшитсак. (Умар Хайём 3-4 та рубоий ўқийди).

Қиз: — Туркона сўз муғанниси устод Юсуф Хос Ҳожиб не дерлар!

Юсуф Хос Ҳожиб: — Сўзим «Қутадғу билик» — «Саодатга йўлловчи билим» мисраларидек қисқа эрур: Юртда Наврўз зоҳир бўлади. Аввал Шарқдан баҳорий насим (шаббода) эсиб келади, бу оламни безаш учун жаннат йўлини очади. Оқ ранг (яъни қор) кетиб, ерга ифор тўлади ва ҳаммаёқни алвон ранг эгаллайди, чунки олам чиройли безанмоқни истайди... Баҳор насими зерикарли қишни ҳайдайди, мусаффо баҳор яна ўз ҳукмига киради. Ялпоқни тўккан дарахтлар яна яшил кийинади, оқ, сариқ, кўк, қизил ранг билан безанади.

Қиз навбати билан шартли образлар — шоирлар Навоий, Машраб, Фурқат, Муқимийга сўз беради ва улар баҳор ҳақида шеърлар ўқийдилар. Охирида Муқимий «Навбаҳор очилди гуллар...!» шеърини ўқиб тугаллаши билан шу номли қўшиқ ҳаваскор хонанда ижросида ёки магнитафон орқали эшиттирилади.

Иккинчи кўриниш «Баҳор гуллари» деб номланган. Баҳорда очилган алвон-алвон гуллар одамлар қалбига бетакрор ҳузур бағишлайди. Шу боисдан бу эпизодда Бойчечак, Лола, Бинафша каби гуллар ҳақидаги куй-қўшиқларга, баҳорда туғилган қизларнинг исмларига, хусусан, баҳор фаслида болаларнинг қувончи тўлиб-тошиши масаласи талқин этилади. Бу эпизодда кўпроқ болалар «ўз ижоди»ни намоён қилишлари керак.

Радиодан «Баҳор келса алвон-алвон!...» қўшиғи янграб туради. Саҳнада қизлар қўлларида лолалар ушлаганча рақсга тушадилар... (Зал қоронғулашиб, прожектор нурлари меҳнат шиорларини кўрсатади. Бошқарувчилар Ҳ. Олимжоннинг «Ўзбекистон», «Бахтлар водийси» шеърларидан парчалар ўқийдилар).

Меҳнат фахрийсига сўз берилади. У баҳор фаслида сурурли меҳнат бошланиши, инсон ўз меҳнати улуғворлиги, халқимизнинг қадимий «Ҳашар» анъанаси, ўзининг меҳнат билан ўтган ҳаёт йўли ҳақида тўлқинланиб гапиради, ёшларни меҳнатни севиш ва ардоқлашга чақиради.

Йигит: — Баҳор фаслининг гўзаллари, сайҳонликлар ва далалардаги қип-қизил лолалари ва қизғалдоқлари кўзни қамаштиради. Одамлар, дам олиш кунларида «Лола сайли»га, табиат қўйнига отланинг!

Байрам кечаси «Баҳор мушоираси» билан тугалланади. Мушоирада баҳор фасли тараннум этилган шеърлар ўқилади. Шеърларни шартли образлар — Баҳорой ва муайян фаслга мос кийинган ўн бир қиз саҳнада давра қуриб ўтириб ўқиши мумкин.

«Мушоира» тугагач саҳнага бошқарувчилар, бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзолари, кечани уюштирувчилар, кексалар ва болалар чиқишади. Ҳамма ўрнидан туради. Саҳнадагилар қарсаклар билан олқишланади. Радиодан баланд овозда А. Ориповнинг «Баҳор» шеъридан мисралар янграйди.

Қизғалдоқ баргидек учар
дилдан ғам,
Тошқинлар киради
қалбимга маним.
Баҳорнинг муборак бўлсин
ушбу дам,
Менинг Ўзбекистон
дилбар Ватаним.

Наврўз байрамига бағишланган кечани ўтказишда клуб ва кутубхона ходимлари, бадиий ҳаваскорлик жамоаси аъзолари, мактаб ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари фаол қатнашишлари керак.

Наврўз байрами халқимизнинг турмуш тарзини, орзу-ўйларини ифодалаши, ҳаётимизни гўзаллаштиришга хизмат қилиши лозим. Байрам тантаналари конкрет ҳаётий мазмунга эга бўлиши, маҳаллий фактлар билан боғланиши, рамзлар билан ифодаланиши зарур. Наврўз байрамининг бадиий шаклини—эмоционаллигини кучайтириш—образлаштириш; поэтикларштириш муҳим аҳамиятга эга! Зотан, гуманистик, инсонпарварлик ҳис-туйғуларини уйғотадиган Наврўз байрами бугунгагина эмас, балки келажакка ҳам хизмат қилади.

Ғ. ҒАФУРОВ,
Тошкент халқ хўжалиги институти доценти, филология фанлари номзоди.

ҚИШЛОҚ ВА МАҲАЛЛАДА...

Наврўз байрамига камида бир ҳафта олдин тайёргарлик кўрилади. Дастлаб байрамнинг сценарий плани ишлаб чиқилади. Планда тадбирнинг бошланиши (жойи, вақти), техникавий ва кўргазмали воситаларнинг номлари, расмий қисм (нутқ ва маъруза), бадиий қисм (мушоира, концерт ва спектакларнинг бошланиш пайти, ўйин ва аттракционлар, кинофильмлар намойиши) ва бошқалар кўрсатилади.

Наврўз байрамини ўтказиш учун танланган жойга махсус саҳна ўрнатилади, «П» ҳарфи шаклида стол ва стуллар жойлаштирилади. Саҳна «Айёмингиз қутлуғ бўлсин, азиз дўстлар!», «Ассалом, баҳор!», «Наврўз — меҳнат, гўзаллик байрами!», «Байрамга хуш келибсиз!» деган шиорлар билан безатилади.

Майдоннинг чеккароғида дошқозонларда сумалак пиширилади. Байрамнинг серфайз, сержило бўлиб ўтиши учун китоб, газета ва журналлар, музқаймоқ, лимонад ва бошқа нарсалар сотиладиган дўконлар ташкил этилади. Байрам дастурхонига сомса, обинонлар, ҳар хил кўкатлар, ширинликлар, чой ва бошқа таомлар қўйилади. Турфа гуллар арғувони дастурхон кўркига ажиб чирой бағишлайди.

Наврўз байрамига донгдор кишилар, уруш ва меҳнат фахрийлари, жамоатчилик вакиллари, артистлар, шоирлар ва бошқа кишилар алоҳида таклиф қилинади ва улар учун махсус жой ҳозирланади...

Байрамнинг тахминий сценарийси қуйидагича бўлиши мумкин.

Эрта тонгда радиодан таралган баҳор фаслини мадҳ этувчи, меҳнатни улуғловчи, Ватанни таърифловчи куй-қўшиқлар одамларни Наврўз байрамига чорлайди. Майдонга кираверишдаги одамлар билан гавжум. Шу пайт ҳар бирининг ранги муайян фаслни эслатувчи тўртта енгил машина, уларда эса Баҳор, Ёз, Куз, Қиш фаслларига мос кийинган учтадан ўн икки қиз тушиб келади. Биринчи машинадан тушган Баҳоройни қизлар ўз қуршовларига оладилар. Одамлар қарсак чаладилар. Баҳоройнинг қўлида кўк майса. Карнай-сурнай садолари авжга чиқади. Баҳорой ва дугоналарига одамлар гуллар совға қилади. Радиодан Ҳ. Олимжоннинг «Бахтлар водийси» шеъри янграйди...

Баҳорой тўпланганларга мурожаат қилади.

Азиз дўстлар! Ота-оналар! Ака-укалар ва опа-сингиллар! Сизларни Наврўз байрами билан табриклайман!

Қадрдонларим! Баҳор байрамимизни муносиб нишонламоқ учун қадимий одатга кўра, ҳар биринингиз учта шартимни бажаришингиз лозим!

Биринчиси, ҳамма шу бугундан бошлаб бир ёқадан бош чиқариб ишга киришсин! Кўчаларимиз, ҳовлиларимиз, ўйларимиз чиннидай топтоза ва чиройли бўлсин. Ҳар бир киши камида битта дарахт кўчати ўтқазсин ва уни парвариш қилсин.

Иккинчиси, шу бугундан бошлаб ҳамиша кулги ҳамроҳингиз бўлсин! Қалбингиз шод-хуррамлик ва эзгулик ҳис-туйғулари билан тўлиб-тошсин! Бир-бирларидан ҳафа бўлиб юрган одамлар яраишсин! Танишлар дўст, дўстлар эса оға-ини бўлишсин!

Учинчиси, ўз меҳнати билан порлоқ келажагимизга ҳисса қўшаётган барча одамларнинг юраги ягона мақсад йўлида ҳамиша бардам бўлиб турсин! Дон йиғувчи, гул ўстирувчи, шаҳарлар барпо этувчи кишиларнинг кучларига куч қўшилсин, ишлари унумли бўлсин! Ҳар бир кишининг қалбида қўшиқ янграсин! Олам нурга тўлсин, улуғ Ватанимиз осмонида қуёш ҳамиша порлаб турсин!

Сўнг Баҳорой одамларни кўчат ўтқазишга бошлайди. Ҳамма ишга киришади.

Баҳорой ҳаммани даврага таклиф қилади. Колхоз раиси (совхоз директори) тахминан қуйидаги мазмунда табрик нутқи сўзлайди:

— Азиз дўстлар! Сизларни Наврўз байрами билан қутлайман! Янги баҳор Сизларга олам-олам қувонч бахш этсин! Биз ўтган йилни яхши якунладик. Қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари бўйича ҳамма режаларимиз бажарилди. Бу йил ҳам режаларимиз улкан. Ҳозир ана шу йил бошида турибмиз. Бу йил деҳқон меҳнати баракали бўлсин, ҳар бир хонадон обод бўлсин, яъни анъаналар ҳаётимиз кўзгусига айлана берсин! Байрам муборак бўлсин!..

Йигит ва қиз (бошқарувчилар) Навоий, Машраб, Муқимий, Фурқат ва бошқа шоирларнинг баҳор фасли мадҳ этилган ғазалларини ўқийдилар.

Меҳнат фахрийси, кекса пенсионер сўзга чиқади. У йиғилганларни баҳор байрами билан табриклагандан сўнг янги замонавий урф-одатларнинг жуда катта инсоний-тарбиявий аҳамияти ҳақида сўзлайди.

Даврага болалар кириб келади ва кексаларга гуллар тутқазадилар. Сўнг энг қадимий маросимлардан бири кексалар учрашуви бошланади. Улар бир-бирларига соғлиқ-саломатлик тилайдилар. Чол-кампирларга гуллар, совғалар (куйлак, дўппи, рўмол ва бошқалар) тақдим қилинади.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ТОШКЕНТ АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИ

ҳамма Вазирликлар ва идоралар билан қуйидаги касблар бўйича мутахассислар тайёрлаш учун

ШАРТНОМА ТУЗАДИ

Автомат электр алоқаси, ноҳия электр алоқаси, телеграф алоқаси ва маълумотлар узатиш, кўптармоқли электр алоқаси, алоқа йўллари иншоотлари, радио алоқаси ва радиоэшиттириш, телевизион техника ва радиореле алоқаси, почта алоқаси, ҳисобхона ҳисоби, майший радиоэлектрон техникаларни таъмирлаш.

Шуларга яқин мутахассисликлар ҳам очиш мумкин.

Бундан ташқари техникум қуйидаги мутахассисликлар бўйича кенг қамровли ишчилар тайёрлаши мумкин **электр монтажчилар, радиомонтажчилар, линия хизматчилари, телевизор усталари, иқтисодчилар, тафтишчи ҳисобчилар, ЭҲМ операторлари.**

Бошқа ерлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Зарур техник — мутахассислик ва ишчи-мутахассислик бўйича қанча одам кераклиги ҳақидаги таклиф 1991—1992 ўқув йили учун 30 март 1991 йилгача қабул қилинади.

Бизнинг манзилгоҳ: 700128, Тошкент-128, Усмон Юсупов кўчаси, 70-уй. **Телефон,** — 41-12-48.

●

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

КАТТА ЦИРК

ТОМОШАЛАР:

2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ РАНГ-БАРАНГ ПРОГРАММА

ТОМАШАЛАР:

16 мартда соат 16.00 да,
17 мартда соат 12 ва 15.00 да

БОШЛАНАДИ

Оммавий талабномалар қабул қилинмоқда.

Касса дам олиш кунисиз, соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Олдиндан чипта сотиш ташкил қилинган.

Чипталар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04, 44-35-84.

●

ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Стройрембит» Тошкент шаҳар бошқармасининг Куйбишев ноҳиясидаги «СТРОЙРЕМБИТ»» ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ТАЪМИРЛАШ-ҚУРИЛИШ УЧАСТКАСИ

1991 йил 1 февралдан

ТУГАТИЛДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида тугатиш комиссияси томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700143, Тошкент шаҳри Луначарский узун кўчаси, 173-уй. Телефонлар: 65-47-58, 65-62-59.

●

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/III да **Гофман эртаклари,** 17/III да **Оловиддиннинг сеҳрли чироғи** (12.00), **Дон-Кихот** (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/III да **Сабъан сайёр** (15.00), **Курорт** (19.00), 17/III да **Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома.**

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кабинети ҳузуридаги матбуотда ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларида давлат сирларини сақлаш Бош бошқармаси жамоаси етакчи мутахассис Р. Баратовга отаси

Абдулла БАРАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент политехника олий билимгоҳи, ижтимоий фанлар бўлими ва 1-«Социализм назарияси» кафедраси жамоалари доцент А. Абдувалиевга отаси

Абдували РАББИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ. Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5091.

№ 53. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида. А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12